

Инсон қадри —
улуғ, хотираси
боқийдир.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 9-may, chorshanba № 37 (8478)

ШУНДАЙ ДОРИЛОМОН КУНЛАРДА ЯШАШ — БАХТ



9-may — Xotira va qadrlash kuni

«Тинчликни соғингандим...»

— Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунлари... Ҳамма урушдан чарчаган, тинчликни соғинган... Ҳечам эсимдан чиқмайди: ғалаба ҳақида эшитганимда «Номинг ўчгур уруш тугади!» дея ҳайқирганим, — дейди Усмон ота.

Шу кунларда пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Дўмбиробод маҳалласида яшовчи Абдуллаевлар хонадонидан меҳмонлар қадами узилмаяпти. Уруш ва меҳнат фахрийси, собиқ ўқитувчи, 91 ёшли Усмон ота йўқлаб келган маҳалладошлари, шогирдлари ва мактаб ўқувчиларига ана шундай хотиралари, ибратли воқеалардан сўзлаб беради. Биз бу хонадонга кириб борганимизда отахонни бир гуруҳ мактаб ўқувчилари даврасида учратдик.

У ўқитувчи бўлгани учун болаларни жуда севади. Улар билан суҳбатлашиб, давр руҳини, истиқлол шукҳини ҳис этади. «Ахир, булар мустақиллик фарзандлари: тили бийрон, кулгисида завқ бор, фикри тиниқ, ғам-қайғуни билмайди, ота-онаси бошида, юрти қўлламоқда. Улар энг бахтли авлод», дейди отахон.

(Давоми 8-бетда.)

Xalqaro anjuman

Пойтахтимизда «Узлуксиз инклюзив таълимни ривожлантиришда оиланинг роли» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман таълим сиёсати ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини тўлиқ қамраб олиш бўйича

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНING РОЛИ

ўзаро ижтимоий шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, имконияти чекланган болаларнинг таълим олиш ва жамиятга интеграциялаш бўйича ҳуқуқларини таъминлаш, «Инклюзив таълимдан — инклюзив жамиятга» тамойиллини шакллантиришдек эзгу мақсадларни қўзлайди. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Махсус олимпиадаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуманда сенаторлар, депутатлар, таълим соҳаси мутасаддилари, педагог-психологлар, махсус таълим ўқитувчилари, ҳуқуқшунослар, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларнинг мутахассислари иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда.)

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligi oldidan

АСЛ АНЪАНАЛАРНИНГ АСРИЙ САДОСИ



Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида
«Асрлар садоси – 2012» фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан жой олган қадим маданият бешигидир. Ватанимизнинг бой тарихи, миллий маданияти ҳамisha халқаро жамоатчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотади. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Асрлар садоси» аънавий маданият фестивалида бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

2008 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» аънавий маданият фестивали халқимизнинг аънава ва удумлари, амалий санъати ва миллий таомлари, халқ оғзаки ижоди каби йўналишларининг турфа ва хилма-хил эканлигини намойён этади. Айни пайтда мазкур фестиваль бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, бу йўналишда унутлаётган услуб ва мактабларни тиклаш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАКЛАГАНДА:

ИЗЛАГАН
ИМКОН
ТОПАДИ

3-бет

ҲАЗОРАНINГ
«ҚАЛДИРҒОЧ»И

7-бет

«Ma'rifat»
Mahorat
Maktabi

11-бет

КўП ТИЛНИ
БИЛИШ — КОНИ
ҒОЙДА

12-бет

Prezident kitobini o'rganamiz

Сирдарё туманидаги тиббиёт коллежида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир туман ҳокимлиги, вилоят касб-хунар таълими бошқармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур китоби Ватани-

буюк бир матонат билан енгиб ўтгани, мамлакатимиз тезда оёққа туриб, барча соҳада изчил ривожлана бошлагани, бунда Президентимизнинг оқилона сиёсати, жасорат ва қатъияти, юртдошларимизнинг ҳамжиҳатлиги ҳал этувчи аҳамият касб этгани таъкидланди.

— Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ёшларнинг дунёқарашини ўстиришга хизмат қилади. Уларнинг озод-

ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИ АКС ЭТГАН КИТОБ

миз озодлиги йўлидаги курашлар, мустақилликни мустаҳкамлаш давридаги қатъий ҳаракатларнинг аниқ далил ва воқеа-ҳодисаларга асосланган тарихидир. У барча ватандошларимизни, айнқса, ёшларимизни ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдек улғу мақсад йўлида янада ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

Давра суҳбатиди мазкур китобнинг улкан тарихий ва маънавий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Мустақилликнинг илк йилларида, оғир ва машаққатли бир даврда халқимиз қийинчиликларни

лик, миллий тараққиёт ҳақидаги тушунчаларини, инсон қадр-қиммати, шаъни тўғрисидаги қараш ва билимларини бойити, — дейди Сирдарё тиббиёт коллежи директори Абдурашид Абдуқодиров. — Китобда истиқлол учун олиб борилган машаққатли ва шарафли кураш бутун мураккабликлари билан кўрсатиб берилган, айна вақтда тушунарли ва халқчил тарзда баён этилган. Бу китобнинг моҳиятини кенг ўқувчилар оmmasига етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги фармойишига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Комиссиясининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Ййгилишда яқинда Тошкент шаҳрида Буюк Британия, АҚШ, Словения ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар (ЕХХТ, USAID ва бошқалар) вакиллари, хорижий экспертлар, парламент аъзолари ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирокида бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатиди билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар батафсил ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Оммавий ах-

борот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун ва унинг концепцияси лойиҳалари кенг муҳокама қилинди, журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик томонидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб бориш, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар, ўтказилаётган давра суҳбати, семинар ва конференциялар самарадорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг оммавий ахборот воситалари орқа-

ли ёритилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида қўшимча равишда Эксперт гуруҳи ташкил этилди ва амалга оширилаётган ишларни доимий равишда мониторинг қилиб боришни кучайтириш механизми белгилаб олинди.

Ййгилишда қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗА

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАНING РОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизда инклюзив таълим изчил ривожланмоқда. Олти мингга яқин умумтаълим мактабларида алоҳида эҳтиёжли болалар соғлом тенгдошлари билан бирга ўқияпти. Олиб борилаётган турли тадбирлар орқали эса алоҳида эҳтиёжли ўғил-қизларнинг ўзига бўлган ишонч ва қатъияти, мулоқот кўникмаси ривожлантирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 2 апрелидан 7 майга қадар юртимизда ўтказилган махсус ойлик инклюзив таълимни ривожлантиришга хизмат қилди. Ойлик доирасида жойларда инклюзив таълим учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига оид видео-конференциялар, ихтисослашган семинар-тренинглар, маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Махсус мактаблар, мактаб-интернатларда спорт мусобақалари, оилавий марафонлар, футбол турнирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда имконияти чекланган болалар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар, спортчи-паралимпиячилар иштирок этди.

— 2010 йилдан буён Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонднинг турли дастурларида иштирок этаяпмиз, — деди биз билан суҳбатда Фарғона шаҳридаги 38-умумтаълим мактаби директори Муборак Маҳмудова, — Мактабимизда беш нафар имконияти чекланган ўқувчи ўқийди. 2 апрелдан 7 майга қадар бўлиб ўтган тадбирларда ўқувчиларимиз фаол катнашди. Наманган шаҳрида бўлиб ўтган видеоконференцияда иштирок этиб, узлуксиз таълимни ривожлантириш учун мактабга таълим муассасаларида ҳам махсус гуруҳлар очиш кераклиги, умумтаълим мактабларида эса логопед шатини жорий этиш лозимлиги ҳақидаги таклифларимизни бердик.

Анжуманда халқаро экспертлар инклюзив таълимни узлуксиз таълим тизимига жорий этиш жараёнидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, имконияти чекланган болаларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан манфаатдор идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш хусусида ўз ижобий фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда алоҳида таълимга эҳтиёжи бор шахслар билан ишлайдиган педагогик кадрларни тайёрлаш, инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-норматив асосини мустаҳкамлаш, алоҳида эҳтиёжли шахсларнинг меҳнат бандлиги, имконияти чекланганлар учун инфратузилма яратиш каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондида инклюзив таълимни ривожлантиришга оид эзгу ишлари учун Европа-Евроосиё Махсус Олимпиадасининг сертификати топширилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Шарифа МАДРАҒИМОВА



Билим инсонни камолотга етказди. Тўғри танланган касб эса келажақ ҳаётининг фаровон бўлишини таъминлайди.

Юнусобод туманидаги 265-мактабда «Тўғри танланган касб оила фаровонлиги асосидир» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқувчи ва ўқитувчилар билан бирга, маҳалланинг ўз касбининг устаси бўлган инсонлари ҳам иштирок этдилар.

Дастлаб ўқувчилар тайёрлаган «Мен орзу қилган касб» номли деворий газеталар ва қўл меҳнати кўргазмаси намойиш этилди. Шундан сўнг давра суҳбати уюштирилиб, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга меҳмонлар томонидан жавоб қайтарилди.

— Ана шундай савол-жавоб ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳам ўтказилди, — деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ю.Ақбарова. — «Фарзандингиз қайси касбни танлайди?» мавзусига бағишланган давра суҳбатиди улар фарзандларининг касб танлаши учун яратилган шароитлар ҳақида маълумотга эга бўдилар.

Тадбир якунида ўқувчилар иштирокида «Қувноқ стартлар» мусобақаси бўлиб ўтди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ШОГИРДЛАР ҚАЛБИДА

ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтиди Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан устозлар ва ёшлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Институт Ёш олимлар кенгаши ва Касаба уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мазкур илм даргоҳида фаолият юритаётган олимлар устозларини хотирлаб, ёш тадқиқотчиларга ибрат бўларли воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Давра суҳбатиди сўзга чиққанлар институтда илмий ижодий фаолият олиб борган марҳум шарқшунос олимларнинг ҳаёт ва ижод йўли, инсонийлик хислатлари ҳақида самимият билан гапирдилар. Устоз олимларнинг мамлакатимизда хитойшунослик, ҳиндшунослик, арабшунослик ҳамда Ўзбекистон шарқшунослигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш борасидаги хизмати ййигиланлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Ўз ҳаёти давомида эл-юртга, илм-фандаг қекиз муҳаббати, меҳнатсевар, саховатли ва фидойилиги билан шогирдлари қалбиди ёрқин из қолдирган устозлар ҳақидаги илиқ хотиралар ёшларни ҳам тўлқинлантирди.

Тадбирда марҳум олимлар илмий-ижодий фаолияти акс этган кўргазма ҳам намойиш этилди.

Шерали Қўлдошев,

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти
илмий ходими

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фестиваль ҳар йили мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётгани боис унинг географияси тобора кенгайиб, мазмуни ранг-баранглашиб бормоқда. "Асрлар садоси – 2012" анъанавий маданият фестивалининг қадим қорақалпоқ диёрида ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга.

Қорақалпоқ халқи ўзининг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, удум ва анъаналарига эга. Унинг бой ўтмиши, халқ оғзаки ижоди, миллий қаҳрамонлари, мумтоз шоир ва ёзувчилари мероси катта маънавий хазинадир.

"Асрлар садоси – 2012" фестивалида ана шу бой тарих ва маданият яна бир бор намойён бўлди. Қўллаб янги дастурлар, мусиқий чиқишлар, театрлаштирилган томо-

Надбир иштирокчилари Тупроққалъа ёдгорлиги, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ва бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар қиёфаси бутунлай янгиланди. Шаҳар марказида барпо этилган яшил майдон ва фавворалар Нукус қиёфасига ўзгача тароват бағишлаб турибди. Майдон ўртасида атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ хайкалининг қад ростлагани қорақалпоқ миллий маънавияти ва маданияти ривожига, ёш авлод тарбиясига қаратилган улкан эътиборнинг яна бир намунасидир.

Янги қурилган замонавий турар жой бинолари, гузал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари

мавзуйдаги давра суҳбатидида ушбу минтақа тараққиётига оид масалалар муҳокама қилинди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмасининг экологияни яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни кенгайтириш каби масалаларга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни тақдироти бўлиб ўтди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи жамоасига янги автобус совға қилинди.

Элликқалъа туманидаги Тупроққалъа ёдгорлигида талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республи-

Хитой, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Россия, Италия ва Испания сингари қўллаб-қувватладан келган хорижлик меҳмонлар ҳам иштирок этди.

— Фестиваль асносида Ўзбекистоннинг бой маданияти, барҳаёт урф-одатлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман, — дейди халқаро туризм бўйича мутахассис Сезар Малакон (Мексика). — Бу мамлакатингизда туризмни янада ривожлантиришга кенг имконият яратяди. Чунки Ўзбекистон дунё сайёҳларини нафақат қадимий обидалари ва гузал масканлари, балки ўзининг маданияти ва санъатига оид ноёб ёдгорликлари билан ҳам кенг жалб этиб келмоқда. Ўзбекистонда асл ҳолича сақланиб, ҳар томонлама ривожланиётган миллий урф-одат ва қадриятлар бебаҳо

томонидан тайёрланган 17 коллекция томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Шунингдек, қорақалпоқ халқининг миллий анъаналарига асосланган махсус этнографик кийимлар тўплами ҳам намойиш қилинди.

— «Асрлар садоси» фестивалида санъат, маданият, халқ меросини кўз қорачиқдек эъозлаш борасидаги эзгу интилишларга яна бир бор гувоҳ бўлдим, — дейди Штефани Дойч (Германия). — Бу ерда қўлда ясалган қўллаб турдаги ранг-баранг маҳсулотлар ва миллий либосларни кўриб лол қолдик. Глобаллашув жараёنлари шиддатли тус олаётган ҳозирги шароитда миллий анъаналарни сақлаб қолишда, ёшларни Ватанга, халққа муҳаббат руҳида тарбиялашда бундай фестивалларнинг аҳамияти фойда беқиёс.

Фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган Қорақалпоғистон Республикасининг "Гулзор" ва "Бўстон гуллари" фольклор-этнографик, "Тонг юлдузи" болалар этнографик жамоалари, Самарқанднинг "Чавқи", Сурхондарёнинг "Булбулгўё", Фарғонанинг "Қўқон ёр-ёри", Наманганнинг "Хуш наво", Андижон-

АСЛ АНЪАНАЛАРНИНГ АСРИЙ САДОСИ

шалар, давра суҳбатлари ва либослар намойишида қорақалпоқ халқининг этнографияси, маданияти ва санъатига оид асл хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандларнинг ижодига бағишланган амалий санъат кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда кулчилик, қандакорлик, каштачилик, миниатюра, тикувчилик ва ўймакорлик усталари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

— Истиқлол туфайли мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш сари кенг йўл очилди, — дейди тошкентлик Мирсаид Неъматов. — Мен ҳам ушбу имкониятдан фойдаланиб, болалиқдаги орзуим — ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланяпман. "Асрлар садоси" фестивалида иштирок этиб, юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги мактаблар анъаналарини ўрганиш, уста ва ҳунармандлар билан фикр алмашиш, янгидан-янги ҳамкорлар топишга муваффақ бўлдим.

Ушбу маданият байрамига Нукус шаҳри ва Элликқалъа туманида катта тайёргарлик кўрилди. Тупроққалъа ёдгорлиги атрофида уч минг ўринли амфитеатр, халқ ўйинларини ўтказишга мўлжалланган майдонлар барпо этилиб, ҳар бир вилоят вакиллари учун алоҳида ўтовлар тикилди.

Янада кўркам қиёфа касб этган қорақалпоқ диёри икки кун давомида ҳамюртларимиз, санъат ва маданият намояндалари, уста ва ҳунармандлар, талаба-ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Фестиваль эрта тонгда халқ сайли билан бошланди.

ри, бозорлар, аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди. Бу Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги, одамларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларнинг амалдаги ифодасидир.

5 май куни Нукус шаҳри янада кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси шафелигида миллий қолғу асбобларини ясаш устахонаси очилди. "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг мамлакат босқичи совриндори, уста Азатбай Ўтарбаев мусиқа асбобларининг тарихи, уларни ясаш усуллари оид амалий семинар ўтказди.

— Мен ҳунармандчиликнинг ушбу тури билан шуғулланиб келаётган бешинчи авлод вақилиман, — дейди А.Ўтарбаев. — Давлатимиз томонидан ҳунармандчиликни ривожлантириш, маданиятимиз ва санъатимизни асраб-авайлашга қаратилган эътибор самарасида астойдил меҳнат қилиб, ўз ҳунаримни ёшларга ўргатиб келаяпман. Бугунги кунда фарзандларим ва шогирдларим билан бирга 24 хил миллий қолғу асбобини ясаймиз.

Тадбирда қорақалпоқ миллий қолғу асбобларида қуйлар ижро этилди. "Қорақалпоқ халқининг эпик мероси" компакт-дискларининг тақдироти ўтказилди.

Фестиваль дастурида илмий аниқликларга ҳам кенг ўрин берилди. И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида ўтказилган "Оролбўйи: ҳудуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳат-



каси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими олимлари, тарихчи ва этнографлар Тупроққалъа тарихи, бу ерда олиб борилаётган археологик изланишлар, топилаётган ноёб ашёлар ҳақида иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Ахалтекин отларининг кўргазмаси фестивал иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Полвонлар, дорбозлар, миллий цирк санъати усталари чиқишлари, от пойгалари, улоқ-кўпкари мусобақалари фестивалга янада кўтаринкилик бахш этди.

Фестивалнинг иккинчи куни ҳам ранг-баранг тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, маърифий анжуманлар, кўргазма-ярмаркалар, концертлар, ижодий кўрик-танловларга бой бўлди. Ўзига хос байрамга айланиб кетган ушбу тадбирларнинг нафақат Қорақалпоғистоннинг туман ва овуллари, балки қўшни вилоятлар аҳолиси ҳам катта қизиқиш билан томоша қилди. Айни пайтда ушбу йиллик анжуманда АҚШ, Япония,

моддий ва маънавий бойлиқдир.

— Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаб турадиган минтақада жойлашган, — дейди Хитой Халқ Республикасининг "Poly" агентлиги директори Чен Ке. — Шу боис бу ерда турли маданиятларнинг энг яхши анъаналарини кўриш мумкин. "Асрлар садоси" фестивалида намойиш этилган либослар, таомлар ва миллий ўйинларни кўриб, хайратга тушдик, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги азалий яқинлиқни ҳис қилдик.

Юртимизда либос дизайни жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, дизайнер ва модельерларни қўллаб-қувватлаш, иқтидор соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантириш юзасидан қўллаб-қувватлаш лойиҳалар ташкил этилмоқда. Миллий либослар фестивалида мазкур лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этган ижодкорлар билан бирга қорақалпоғистонлик ёшлар

нинг "Гулрух" фольклор-этнографик жамоалари, сурхондарёлик бахши Илҳом Норов, қорақалпоғистонлик жиров Саламат Аяпов ва бахши Бекзода Асқарова, ҳунармандлар — қорақалпоғистонлик Жумибой Қосимбетов, Айтгул Абеева, ошпазлар — Гулистон Рсимова ҳамда Исмаилло Амиров, дизайнерлар — Сарвиноз Икромова ва Дилнавоз Абдиева каби ўз касбининг усталарига диплом ва совринлар топширилди.

Фестиваль якунида фольклор жамоалар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди. Одамлар чехрасидаги мамнулик, эзгу ва ёруғ мақсадларни ифода этувчи ранг-баранг мушаклар отилди. Фестиваль тадбирлари, уларнинг маъно-мазмуни ва аҳамияти ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Анвар САМАДОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Мактабга энди чиққанимда, ўтган асрнинг 80-йиллари боши, икки хона, бир дахлиз ва чоғроққина ошхонадан иборат, томи шиферланмаган, пасткам уйимизга қараб одамдек яшаса бўладиган, тўла-тўқис шароитларга эга уйимиз бўлишини орзу қилардим.

Эшиклари қишин-ёзин гичирлаб очилиб ёпиладиган, поллари тешикларида қалам-ручкаларимиз пастга — сичқонлар қувалашиб ўйнайдиган ерга дам-бадам тушиб кетадиган синфхоналарга қараб, «Биз ҳам ҳамма шароитларга эга мактабда ўқирганимиз», деб ўйлаб кўярдим.

Қиш қаттиқ келганида, қор тиззага урганида, ёмғир тинмай ёғиб, чангқўчалар лойқўчага айланганида икки километр узоқликдаги мактаб биздан яна ҳам узоқлашар, унга етиб олиш азобга айланарди.

Қишлоғимизда газ, иссиқ сув, телефон, саргарошхона, хуллас, инсон учун энг зарур бўлган ижтимоий инфратузилма деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Одамлар ҳам худди шундай бўлиши керакдек қимтинибгина яшар, бундай қулайликлар фақат шаҳарга хос, деган фикр улар онгига сингиб кетган эди...

Навоий вилояти Кармана тумани Ҳазора массивидаги «Қалдирғоч» маҳалласига йўл олар эканман, хаёлимдан шу гаплар ўтди.

ҚАЛДИРҒОЧ МАҲАЛЛА

Бу янги маҳалла Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган юзлаб маҳаллалардан биридир.

Навоий вилоятида ўтган йили намунавий лойиҳалар асосида 30та мавзеда 490та замонавий уй-жой қурилган бўлса, биргина Кармана туманида 190 хонадон шундай турар жойга эга бўлди. Умуман, туманда 2009 — 2011 йиллари 325та барча қулайликларга эга замонавий уй-жойнинг қалити ўз эгаларига топширилди. Қадимий Буюк ипак йўлининг замонавий Навоий — Бухоро трассасининг ёнгинасида барпо этилган бу янги маҳаллага яхши ниятлар билан «Қалдирғоч» деб ном қўйишди.

— Уйларимиз кенг ва ёруғ, мана, ошхонага қаранг, шаҳар уйларида ҳам ошхоналар бундай кенг эмас. Манами меҳмонхона, бу ёқда болалар хонаси. Мана бу томондан айвонга чиқилади. Хуллас, ҳаммаси кўнглимиздагидек, — дейди Мирзо Улугбек қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Муқаддас Жабборова.

Маҳалла идораси, милиция таянч пункти, саргарошхона, дорихона, тиббиёт хонаси жойлашган бино, нововойхона, спорт-соғломлаштириш хонаси билан бирга ҳаммом, мини маркет, гўзаллик салони, интернет клуб, мини банк ва, айниқса, қўли гул усталар шифтига бетакрор безаклар берган кичкина бозор маҳалла гузарининг кўрқига кўрк қўшиб турибди.

— «Қалдирғоч» маҳалласида яшайдиганларнинг кўпчилиги тадбиркорлар, фермерлар — бизнинг мижозларимиз. Шу яқин ат-



рофдаги Гулшан, Ҳазора, Дўрмон қишлоқ фуқаролар йиғинларидан ҳам мижозларимиз бор. Уларга турли банк хизматларини кўрсатмоқдамиз. Айниқса, қалдирғочликлар энди коммунал тўловларни тўлаш учун туман марказига ёки пул ўтказмалари операциялари учун вилоят марказига бориб ўтиришмайди. Бу борада ҳам хизматларимизни тақлиф қилаёلمиз. Имкониётлар кундан кунга кенгайиб бормоқда, — дейди «Микрокредитбанк»нинг Кармана филиали «Ҳазора» кичик банки ҳисобчиси Миржалол Ҳасанов.

МАҲАЛЛАГА КЎРК БЕРГАН МАСКАН

29-мактаб «Қалдирғоч» маҳалласига файз бағишлаб турган масканлардан бири. Мактабда 22 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг ўртача ёши 27ни ташкил қилади.

— Жамоамиз асосан ёш мутахассислардан иборат, ўзим ҳам 1981 йили туғилганман, — дейди мактаб директори Алишер Ражабов. — Ўқитувчиларимиздан уч нафари — инглиз тили муаллими Луиза Худойбердиева, маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосар Хилола Халилова ва ўқув ишлари бўйича ўринбосар Мақсуд Кўчқоров ёш оилалар вақиллари бўлиб, «Қалдирғоч» маҳалласида истиқомат қилишади. Шунингдек, ишчи-ходимларимиз

дан Дилором Неъматова ҳамда Гулшод Наврўзова ҳам янги маҳалладан уй-жой сотиб олишди. Ўзим Ҳазорадан қатнаб ишлайман. Кейинги йилларда мен ҳам оилам билан шу ерга кўчиб келишни режалаштираёман.

Директорнинг фикрларини ёш муаллима Луиза Худойбердиева давом эттиради:

— 3 ёшли Шохсанам исмли фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим «Навоий-азот» ОАЖда цех бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлайди. Илгари Навоий шаҳрида ижарада яшардик. Ёш оилаларга берилган имкониётлардан фойдаланиб 2011 йили Кармана тумани Ҳазора массиви «Қалдирғоч» маҳалласидаги замонавий уй-жойлардан бирига эга бўлдик. Уйимиз 4 хонали, барча шарт-шароитлар етарли. 2011 йил сен-

ховиллар жойлашган ернинг олдинги кўринишини эсласангиз, бу уйлар кўзингизга мўъжизадай кўринади. «Қалдирғоч» маҳалласи барпо қилинган жойлар илгари қақраб ётган, янтоқ босган, қўқламни соғинган қўли-биёбон эди. Ҳаммаёқ бир хил — сап-сарик, зерикарли, бир чакра (томчи) сувга муҳтож бўларди. Ҳозирги дала ҳовлиларнинг шароитлари шаҳарникидан қолишмайди, — дейди кузатувчан ўсмир. — Маҳалламиз жуда ҳам яхши жойда лойиҳалаштирилган бўлиб, ёнгинамизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли Навоий халқаро аэропорти ва «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонаси жойлашган. Бу иккала ҳудуд «Қалдирғоч» маҳалласи аҳолиси учун ҳам янги иш ўринларини яратиб беради. Ҳозир 29-умумий ўрта таълим мак-

Qutlug' ostona

Душанба — «Ижодкор болалар кўни».

Масъул — «Қамолот» ЁИХ бош етакчиси Исмигул Ражабова.

Шу кўни мактаб ўқувчилари ижодидан намуналар тингланади, муҳокама қилинади ҳамда туман, вилоят ва республика газета-журналларида чоп этиш учун тавсия этилади.

Сешанба — «Спорт ва соғломлаштириш кўни».

Масъул — жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Хусниддин Шамсиев.

Шахмат ва шашка тўғраги ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар мунтазам қатнашиб туради. Маҳалла билан ҳамкорликда бошқа спорт ва соғломлаштириш тадбирлари ҳам уюштирилади.

Чоршанба — «Хуқуқий саводхонликни ошириш кўни».

Масъул — миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Сурайё Аралова.

Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида суҳбатлар, кечалар уюштириб келинмоқда.

Пайшанба — «Ота-оналар кўни».

Мактаб психологи Нафиса Ғойибова ва синф раҳбарларининг барчаси масъул этиб тайинланган.

Ота-оналар билан ҳамкорликда «Отам, онам ва мен» расмлар танлови, давра суҳбатлари, йиғилишлар ўтказилади.

Жума — «Маънавият кўни».

Масъул — мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хилола Халилова.

Синфлар кесимида ва ўқитувчилар учун «Маънавият соатлари» ташкил қилинади, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Шанба — «Озодалик кўни».

Масъул — ҳўжалик мудир Алишер Тўраев ва синф раҳбарлари.

Мактабда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Синфларнинг тозаллиги, ўқувчилар озодаллиги кўриқдан ўтказилади, мониторинг қилиб борилади.

Кўёш бир кўнлик ишини яқунлаб тўнги масканига йўл олаётганида «Қалдирғоч» маҳалласидаги болалар майдончаси гавжумлаша бошлади. Қийқириб ўйнаётган ўғил-қизларга қараб завқингиз тошади. Юзидаги табассум ва қалбидagi ҳаётга муҳаббат, кўзларидаги беғуборлик инсонга руҳий тетиклик бахшида этади. Эртанги кун учун куч оласиз. Бу куч улўғ манзилларга етишингизда сизга қанот бағишлайди. Демак, ҳаёт давом этмоқда...

Бу улўғ йўлда «Қалдирғоч»нинг қанотлари асло толмасин!

Хусан КАРВОЛИ

МАҚСАДИ АНИҚ ЁШЛАР

Жаҳонгир Ботиров — мактабнинг энг аълочи, фаол ўқувчиларидан бири.

— Ҳозирги замонавий

ҲАР КУНИМИЗ МАЗМУНГА БОЙ

Мактаб директорининг навбатдаги ташаббусини ёш, ғайратли жамоа қўллаб-қувватлади: мактабда ҳар бир кўннинг ўз номи бор.

АЛЛЕРГИЯ ҚОН ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ

Швейцария политехника институти тадқиқотчилари қон томчисига қараб одамда аллергия касаллиги борлигини аниқловчи янги ускуна яратишди. «Абионик» («Abionic») компанияси томонидан яратилган мазкур ускуна лойиҳаси учун 2 миллион франк ажратилгани «Компьюлен-та» манбасида маълум қилинди.



Касалликни аниқловчи янги ускуна бир томчи қон орқали 20 дақиқада маълум турдаги алергенлар (хасталик кўзгатувчилар)га нисбатан реакция борлигини аниқлаб беради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, янги ускуна тери-га таъсир ўтказиш орқали алергенларни аниқлаш тестидан ўтиш-га мажбур бўлган миллионлаб одамлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Тахлилчи ўтказиш учун бир неча томчи махсус кимёвий модда қон намунаси билан аралаштирилади, ҳосил аралашма ҳар бирида алоҳида алерген бўлган биочип тўпламли капсулага жойлаштирилади. Қон намунаси алерген билан таъсирлашади, сўнгра лазер ёрдамида беморда айнан нимага аллергия борлиги қайд этилади. Ускунанинг ишлаб чиқарилиши 2013 йилга мўлжалланмоқда.

КЎК ЧОЙ — ҚАЗҒОҚҚА ҚАРШИ ВОСИТА

Жоржия тиббиёт университети (АҚШ) олимлари қазғоққа қарши оддийгина кўк чойдан фойдаланиш, янги соч ювиш воситасини яратишди. Эътиборлиси, унинг инсонга ҳам, табиатга ҳам зарари йўқ экан.

«ФизОрг» манбасида таъкидланишича, қазғоққа қарши кўплаб шампунлар таркибида инсон ва атроф-муҳитга зарарли моддалар бор. Янги махсулотнинг устуңлиги эса, унда тошкўмир елими, сульфат, олтингугурт каби моддалар йўқ. Тошкўмир елими қазғоққа қарши кўплаб шампунларда асосий таркибий модда вазифасини ўтади. Сабаби, у тери ҳужайраларининг ишлаб чиқарилишини секинлаштиради, лекин ундан кўп миқдорда фойдаланиш канцероген таъсир кузатилишига (ўсмаларнинг пайдо бўлишига) олиб келиши мумкин. Шу боис кўп мамлакатларда косметик воситалар ишлаб чиқаришда ушбу моддadan фойдаланиш тақиқланган. Қолаверса, қазғоққа қарши воситаларда селен сульфиди, олтингугурт ва туз ҳам бўлади. Улар туфайли юзга келадиган салбий таъсирларга терининг яллиғланиши, соч тўкилиши, рангсизланиши ва қуришини киритиш мумкин.

Тадқиқот раҳбари, профессор Стивен Су янги технология ёрдамида ишлаб чиққан шампунь (оддий кўк чойдан фарқли равишда) терининг сув ўтказмайдиған «тўсиг'»идан ўтиб, самарали равишда қазғоққа қарши курашиш имконини туғдиради. Жараёнда кўк чой таркибидаги моддалар қазғоқнинг пайдо бўлишидаги асосий омиллар — ҳужайраларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, оксидлантирувчи стресс



реклама * эълонлар * реклама * эълонлар * реклама * эълонлар *

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 250-сонли кўп ихтисосли махсус МТМ биноси томини капитал таъмирлаш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун манзил:

**Тошкент шаҳар,
Яккасарой тумани,
Ракатбоши 3-тор кўчаси, 6-уй.
Телефон: 254-78-40**



ва шамоллашга қарши курашади. Тадқиқотчилар барча зарарли моддаларни кўк чойнинг зарарсиз полифеноллари билан алмаштиришга муваффақ бўлишди. Улар эса, ўз навбатида, терининг метаболлик мувозанатини таъминлайди, аутоиммун касалликлардан ҳимоя қилади, оксидланиш, микроблар, саратон ҳамда шамоллашга қарши хусусиятларга эга.

ТАСОДИФИЙ ТОПИЛМА

Германиядаги Бонн университетининг бўлажак археолог талабалари тасодифан Қадимги Рим ибодатхоналаридан бирини аниқлашга муваффақ бўлишди, дейилади «Локал» («The Local») манбасида.

2012 йилнинг март ойида археолог-талабалар университет ҳудудидаги амалий машғулотлар пайтида қадимий иншоот пойдевори-га дуч келишган. Шундан сўнг бир ойдан ортиқ вақт мобайнида қазмиш ишлари олиб борилди. Олимлар би-нонинг ёши тахминан 2 минг йил экани ва у ибодатхона бўлганини таъкидлашмоқда.

Ибодатхона иншооти 6,75 ва 7,5 ҳажмда қурилган бўлиб, тўлиқ ёғочдан ёки томи ёғочдан-у ўзи лойдан барпо этилган бўлиши мумкин. Унинг ичида 2,8 минг йил олдинги даврга тегишли идиш парчалари топилган. Эътиборлиси, илгари археологлар Бонн университети жойлашган ерда ўтмишда одамлар яшагани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. Фақатгина 2006 йили Шимолий Рейн-Вест-фалияда топилган бу каби ибодатхона маълум эди, холос.



ЯНГИ ҚОПЛАМА — КУМУШ ТИШЛАР

Океанортилик олимлар бактерияга қарши ва минерал тузлар билан тўйинтирувчи янги тиш пломбалаш материалларини яратишди, дейилади «Медикал экспресс» («Medical Xpress») манбасида.

Мэриленд университети-нинг Хуакун Сюй раҳбарлигидаги олимлари томонидан нанотехнологиялар ёрдамида яратилган мазкур материаллардан фойдаланиш муддати 10 йил. Маълумки, оғиз бўшлиғидаги микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган бирикмалар таъсирида тиш эмали парчаланadi, натижада, кариес юзга келади. Уни даволаш пайтида стоматолог тишнинг минерал таркибини юмшоқ тўқимаси(дентин)ни олиб ташлайди. Дентиннинг маълум қисмини олиб ташлаб бўлмайди, шу боис тишда кам миқдорда бактериялар қолади. Ўз навбатида, бу кариеснинг иккинчи марта кузатилишига олиб келади. Мазкур ҳолатларни эътиборга олган ҳолда тадқиқотчилар пломба мустаҳкамлигини таъминловчи материаллар — праймер ва адгезивни яратишди. Адгезив таркибида кумуш нанозарралари бор. Пломбалаш материалларининг асосини кальций фосфат нанозарралари ташкил этади. Ушбу нанозарралар эса тишнинг минерал таркибини тиклашга хизмат қилади.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Азербайжан республикасининг Закатали ҳудудида бирин-кетин магнитудаси 4-7 балли бир неча силкинишлар оқибатида юзлаб тураржойлар вайрон бўлди, ўндан ортиқ одамлар тиббий ёрдам сўраб маҳаллий шифохоналарга мурожаат этган, аммо қурбонлар ҳақида маълумотлар берилгани йўқ.

Германия шимолидаги Любекс шаҳрининг Скандинавиэнкай портида йўловчи ташувчи «Нилс Холгерссон» кемаси техник носозлик ва экипажнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари оқибатида Даниянинг «Урд» буг кемаси билан тўқнашиб кетган, бахтли тасодиф туфайли қурбонлар бўлмаган.

Ҳиндистон нефть ва зирлиги мамлакатнинг шарқий соҳилида жойлашган энг йирик конда газ қазиб олиш миқдори кўрсаткичларига амал қилинмагани боис маҳаллий «Релайнс индастриес» («Reliance Industries») ва унинг ҳамкори Буюк Британияга қарашли «Бритиш Петролиум» («British Petroleum») компанияларига 1,5 миллиард доллар жарима солди.

Япониянинг Ибараки, Тотиги, Гумма ва Тиба префектураларида кузатилган торнадо оқибатида бир нафар ўсмир ҳалок бўлган, 50 нафардан ортиқ одам турли даражада жароҳатланган, 21 мингга яқин уйлар электр таъминотисиз қолган.


**Тошкент шаҳар
Юнусобод тумани
ҳокимлиги томонидан
«DAVR SIFAT QURILISH
BIZNES» хусусий
корхонасига берилган
рейстр рақами
№ 003239-10 бўлган
юридик шахсни давлат
рўyxатидан ўтказиш
тўғрисидаги № 001110
рақамли гувоҳнома
ҳамда корхона устави
йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институт меҳнат фахрий-си

Дарвин ОМОНУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзо-ларига таъзия изҳор этади.



«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи



«Ўзбекистон» НМИУ корхонаси ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этиб, ноширлик ва матбаа маҳсулотларининг барча турларини, жумладан:

- бадий ва болалар адабиёти;
- ижтимоий-сиёсий адабиётлар;
- энциклопедиялар;
- рангли-бесакли маҳсулотлар (альбомлар, плакатлар, буклетлар, манзил папкалари ва бошқалар);
- рақамланган қатъий ҳисобда турувчи бланкалар, чек ва рўйхатга олиш китоблари;
- халқ истеъмоли молларини (импорт ўрнини босадиган), жумладан, А4 ва бошқа форматдаги офис-хўжалик қоғозларини, канцелярия китоблари ва бошқаларни ўзаро шартнома асосида, қисқа муддатларда, юқори сифат даражасида, келишилган нархда тайёрлаб беришини маълум қилади.

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси,
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-87-55.
Факс: (3712)244-38-10, 244-37-81.**

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

ТА'СИ ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Akmal
ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

Ўзбекистон Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEXS: 149, 150, Г-518.

Tiraj 49951.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,

qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatcheshi muharrir:
Zohidjon XOLOV.

Navbatcheshi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА яхуни — 21.00
Topshirildi — 22.00